

Туркияда «TRT Диёнат болалар канали» очилади



09:56 / 08.06.2021 1329

Туркия Диёнат (дин ишлари) бошқармаси далаат телерадиокомпанияси ҳисобланувчи TRT билан ҳамкорликда болаларга мўлжалланган исломий телеканал очишга қарор қилди. Бу ҳақда diyanethaber.com.tr манбасига таяниб, azon.uz сайти хабар беради. Янги канал TRT Diyanet Çocuk Kanalı («TRT Диёнат болалар канали») деб номланади.

Ҳамкорлик меморандумини имзолаш маросимида нутқ сўзлаган Туркия муфтийси Али Эрбош болаларга миллий ва маънавий қадриятларнинг ўргатилиши зарурлигига эътибор қаратди.

«Фарзандларимизга ўз қадриятларимизни ўргата олмадик. Уларни таржима қилинган мультфильмлар ва фильмлар билан тўйинтиришга уриндик. Ҳолбуки, уларни миллий қадриятларимиз билан тўйинтиришимиз даркор», дейди у.

Али Эрбош Қуръон ва Суннат доирасидаги тўғри диний маълумотларга асосланган телемаҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни болаларга намоиш этиш кераклигини айтиб ўтди.

TRT бошқарув кенгаши раиси ва бош директори Иброҳим Эрен эса Ислом динидан хабардор болаларни тарбиялашга телерадиокомпания ҳам ҳисса қўшишидан мамнун бўлишларини изҳор қилди.